DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-03 Pages: 18-25

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



THE EMERGENCE OF ARAB MYTHOLOGY AND THE STAGES OF IT'S DEVELOPMENT

Shorustam G. Shomusarov
Professor, Doctor of Philology
Higher School of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Arab mythology, folklore, literature and culture, arabic and aramaic-speaking peoples, archaic arab mythology.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: This article analyzes the formation of Arab mythology, its early sources and stages of development. The ancient beliefs of the Arab peoples, their views on nature and divine forces, as well as mythological concepts of the era of ignorance are highlighted. How Arab mythology changed with the spread of Islam and how its new forms appeared is studied. Attention is also paid to the place of Arab mythology in folklore, literature and culture.

АРАБ МИФОЛОГИЯСИНИГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ

Шорустам Г. Шомусаров
Профессор, филология фанлар доктори
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шаркшунослик университети
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: араб мифологияси, фолклор, адабиёт ва маданият, арабий ва оромий тилида сўзлашувчи қавмлар, архаик араб мифологияси.

Аннотация: Ушбу мақолада араб мифологиясининг шаклланиши, унинг илк манбалари ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинади. Араб халқларининг қадимий эътиқодлари, табиат ва илоҳий кучларга бўлган қарашлари, шунингдек, жоҳилият давридаги мифологик тушунчалар ёритилади. Ислам дини тарқалиши билан араб мифологияси қандай ўзгаргани ва унинг янги шакллари қандай намоён бўлгани ўрганилади. Шунингдек, араб мифологиясининг фолклор, адабиёт ва

маданиятдаги ўрнига ҳам эътибор қаратилади.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ АРАБСКОЙ МИФОЛОГИИ И ЭТАПЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ

Шорустам Г. Шомусаров
Профессор, доктор филологических наук
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: арабская мифология, фольклор, литература и культура, народы, говорящие на арабском и арамейском языках, архаическая арабская мифология.

Аннотация: В статье анализируется становление арабской мифологии, ее ранние истоки и этапы развития. Освещены древние верования арабских народов, их взгляды на природу и божественные силы, а также мифологические представления эпохи невежества. В статье рассматривается, как менялась арабская мифология с распространением ислама и как возникали ее новые формы. Также будет уделено внимание месту арабской мифологии в фольклоре, литературе и культуре.

Кириш

Марказий Осиё халқлари мифологик тафаккури тараққиётида алоҳида босқични ташкил этиб, ўрта аср мифларининг яратилишига эпик замин бўлган араб-ислом мифологиясининг ўзига хос белгилари нималардан иборат эди?

Араб фольклорига доир манбаларни ўргании асосида ислом мифологиясининг шаклланиши ва тарихий эволюцияси қуйидаги боскичларни ўз ичига олади:

1) Архаик мифология ёки араб мифологиясининг исломдан аввалги қадимий қатлами.

Арабистон ярим оролида яшаган қадимги араб қабилалари оғзаки ижоди намуналари, шунингдек, этник келиб чикиши арабларга алоқадор бўлмаган ва турли-туман маданий анъаналарга эга бўлган қамларнинг жоҳилият давридаги мифологик тасаввурлари ислом мифологияси таркибига сингиб кетган. Қадимги араб мифологияси милоддан бурунги 1 минг йиллик – милодий VII асрнинг бошларигача бўлган даврда Арабистон ярим оролининг марказий ва шимолий вилоятларида истиқомат қилган араб қабилаларининг мифологик қарашларини ўз ичига олади.

Рус олими А.Т. Лундиннинг ёзишича, архаик мифологияни ўрганишда қўйидаги манбаларга асосланилади:

1) Мушриклар сиғинган у ёки бу худо ҳақидаги тасаввурлар, шунингдек, муқаддас жойлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода этган қадимги араб ёзма обидалари

(Сурия саҳроларида яшаган саф, Марказий Арабистонда истиқомат қилган самуд қабиласи битиклари, Лиҳён давлатида яратилган обидалар);

2) Арабий ва оромий тилида сўзлашувчи қавмлар аралашиб яшайдиган Тадмур (Пальмира) ва Наботия ёзма ёдгорликлари;

3) Юнон ва Рим муаррихлари асарлари (бу манбаларда қадимги арабларнинг диний-мифологик тасаввурлари, инонч ва маросимлари ҳакида маълумотлар учрайди);

4) Арабистон ярим ороли ҳудудида олиб борилган археологик қазув ишлари чоғида топилган ашёвий далиллар (оз миқдорда бўлсада);

5) Ислом мифологиясидаги қадимий сюжетлар, биринчи навбатда, "Қуръони карим" асотирлари;

6) VIII аср охири - IX аср бошларида яшаб ижод қилган араб муаррихи Ҳишом ибн Муҳаммад ал-Калбийнинг "Китаб ал-асном" асари. [Lundin, 1992, p. 132].

Назаримизда, архаик араб мифологиясига доир материалларни ўзида мужассам этган асосий манбалар тўғри кўрсатилган. Аммо шу манбалар таснифида қадимги араб мифологиясига алоқадор сюжет унсурларини жонли оғзаки анъана орқали (эпик жанрлар сюжети, анъанавий образ ёки мотив тарзида) бизнинг кунларгача сақлаб келган араб фольклорини ҳам қайд қилиш лозим эди. Ана шунда қадимги араб мифологияси ҳақидаги маълумотлар жамланган манбалар таркиби мукаммаллашади.

Манбаларда кўрсатилишича, қадимги арабларнинг мифологик тасаввурлари яхлит асотирлар тизими сифатида шаклланмаган. А.Г. Лундиннинг қайд қилишича,"арабларнинг мифологик қарашлари муайян система сифатида таркиб топган эмас эди. Лихъян, Кедар ва бошқа давлат бирлашмаларидаги водийларда яшовчи деҳқонлар мифологияси анча тараққий этган бўлсада, чўлларда кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳолда яшовчи қабилаларнинг мифологик қарашлари нисбатан соддароқ эди" [Shidfar, 1974, p. 9].

VI-XII асрлар араб мумтоз адабиётининг образлар силиласини махсус тадқиқ этган россиялик олима Б.Я. Шидфар ҳам қадимги араб адабиёти образлар тизимининг бадиий-мифологик асослари ҳақида сўз юритар экан, "арабларда яхлит мифологик система юзага келган бўлмасада, унинг илк куртаклари мавжуд эди... Ана шу унсурлар ўзининг тасвирий кўринишдаги ифодавий шаклига эга эмас эди. Бу эса қадимий тасвирий санъатгина эмас, балки сўз санъатида ҳам кўҳна мифологик образларнинг мавҳум эпик қиёфалари оммалашишига сабаб бўлди. Ҳатто қадимги араб мифологиясининг анъанавий образларидан бири - тақдир хам муайян шаклу шамойилга эга бўлган образ сифатида тасаввур қилинмайди" [Piotrovsky, Ghoul, 1992, p. 87].

Қадимги араб мифологиясининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири-бирламчи эпик заминнинг синкретик характерга эгалигидир. Маълумки, қадимги араб қабилалари Сурия

ва Фаластинда истиқомат қилувчи аҳоли билан яқин маданий алоқада бўлган, ҳатто айрим қабилалар оромий ёзувларни ҳам битик хати сифатида қабул қилганлар. Қадимги араб архаик мифологияси ғарбий-сомий мифлари силсиласининг айрим узвларини ўзига сингдириши натижасида маданий анъаналар синтези ва контаминацияси рўй берган. [Gryaznevich, 1988, p.56].

Қадими араб мифологиясининг пантеонида тақдири азал, Аллоҳ, Аллот, Манот, ғул, жин образлари, ой, қуёш, юлдузлар, ёмғир, момақалдироқ ҳақидаги космогоник қарашлар, жон, ўлим қуши, ҳосилдорлик культлари билан боғлиқ тасаввурлар алоҳида ўрин тутган. Бу образларнинг аксарияти кейинчалик ислом мифологиясига ҳам сингиб кетган.

Генетик жихатдан қадимги араб мифологиясига алоқадор бўлган образлардан бири ғулдир. Машҳур олим, академик М. Пиатровскийнинг ёзишича, "ғул - мусулмон мифологиясидаги аёл жинсига мансуб жинлардан бўлиб, одамзотга нисбатан ўта ёвуз муносабати билан ажралиб туради. Одатда ғул ўз қиёфасини ўзгартириб, йуловчиларни йўлдан оздирар, кейин уларни ўлдириб, ейди, дейдилар. Ғул ҳақидаги тасаввурлар қадимги араб мифологиясига бориб тақалади" [Shidfar, 1974, p. 18].

Дарҳақиқат, ғул қадимги араб фольклоридаги шайтоний кучлар тоифасига мансуб мифологик образлардан бири. VI асрда яшаб ижод этган Тааббата Шарранинг достонида ғулнинг мифологик қиёфаси яққол тас-вирланган: унинг боши мушук калласига ўхшаш, тилининг учи айри, бамисоли илон тилидай, танаси итга монанд бўлиб, оёқлари ўлик туғилган туя оёғини эслатармиш. Кўзлари чақчайиб турган бу мажудотнинг бутун азойи бадани жун билан қопланган эмиш.

Имрулқайс асарларидан бирида эса бу мифологик образ Яман подшоҳи Зу-Ришоҳ қасрини вайрон этган ёвуз куч сифатида тасвирланади.

Ғул жинлар тоифасидан бўлиб, унинг эркаги бошқа ном билан, яъни "куртуб", деб аталган.

Қадимги араб мифологиясида юзага келган бу образ ислом асотирларига ҳам киритилган ва Ўрта Осиё халқларининг мусулмон динини қабул қилиши натижасида ўзбек ва тожиклар фольклорига ҳам сингиб кетган. Ғул образи ўзбек классик адабиётида кенг қўлланилган. Афсонавий ғул образининг мифологик талқини дунё халқлари фольклорида, айниқса овчилик эпосида кенг тарқалган жониворлар ҳомийси - ўрмон пири образига ўхшаб кетади. Сурия чўлларида истиқомат қилган қадимги араб қабилаларининг исломдан аввалги мифологик қарашларига кўра, Аллоҳ номли илоҳа барча илоҳларнинг онаси деб талқин қилинган. Марказий Арабистонда эса Аллот, Манат ва Узза Аллоҳнинг қизлари, деб талқин қилинган. [Baller, E.A. 1969), p. 16].

2) Классик араб мифологияси ёки араб-ислом мифологиясининг шаклланиш босқичи

Исломдан аввалги қадимги араб мифологиясининг юзага келиши ва тараққиёти милоддан бурунги биринчи минг йиллик бошларидан милодий VII асрнинг аввалигача бўлган даврни қамраб олади. Чунки VII аср Арабистон ярим оролида истиқомат қилувчи араб қавмлари маданий ҳаётида, анъанавий ижтимоий тафаккур тарихининг тараққиётида алоҳида бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Бу даврда Аллоҳнинг иноятии билан ислом дини юзага келди ва аввал араб қабилалари, сўнгра Шарқу Ғарбнинг бошқа миллатлари аста-секин бу динни қабул қила бошладилар.

Бу давр арабларнинг мифологик тафаккур анъаналарининг тараққиётида алоҳида босқичга асос бўлди: VII аср бошида шаклланган ислом дини қадимги араб қабилаларининг архаик мифологиясини, табиат ва жамият ҳақидаги ибтидоий тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган асотирларни бутунича инкор этди. Янги диний қарашлар араб фольклори бадиий анъаналари асосида исломий асотирлар силсиласини юзага келтирди. Ислом классик асотирларининг энг ёрқин намуналари "Қуръони карим"да жамланган бўлиб, унда моддий ва маънавий оламнинг яратилиши; мавжуд ҳолати ва келажаги, наботот ва ҳайвонот дунёси, инсон ва илоҳий мавжудотлар хусусидаги исломий – таълимотлар талқин қилинган. Инсоният тарихида юзага келган монотеситик динларнинг илғор анъаналарининг асосий қисми ва фатҳ этилган халқлар фольклори сюжетларини ўзида мужассамлаштирилганлиги учун ҳам ислом мифологияси синкретик характер касб этади. Ислом мифологиясининг синкретик ҳодиса эканлигини П.А. Грязневич хам қайд қилади" [Bushman, 1978, p. 17].

Бу синкретиклик ислом мифологияси сюжет тизимининг тарихий-тадрижий ривожига алоқадор эпик ҳодисадир. Ислом мифологиясининг ижтимоий онг шакли сифатидаги синкретиклиги учун семантик табиати ва функциясида ҳам кўринади. Маълумки, ислом мифологиясининг илк қатлами мусулмон дини юзага келган даврда Арабистон ярим оролида яшаган араб қавмларининг воқелик ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, фалсафий-эстетик, аҳлоқий, диний, ҳуқуқий қарашлар мажмуасидан иборат эди. Мифдаги бу синкретиклик унинг семантик функцияларидан келиб чиқади.

Бу ўринда қайд қилиниши лозим бўлган масалалардан бири - қадимги араб мифологияси ёки архаик мифологиянинг мусулмон дини юзага келиши билан боғлиқ ҳолда шаклланган классик ислом мифологиясига муносабат масаласидир.

Маълумки, архаик мифология талқинлари инсон маънавий эҳтиёжини қондира олмай қолиши ва ижтимоий фикр тараққиётининг янги босқичи бошланиши классик мифларнинг юзага келиши учун замин ҳозирлайди. Қадимги араб мифологиясида тотемистик қарашлар алоҳида ўрин тутган. Б.Я. Шидфарнинг маълумотларига қараганда, араб қабилаларининг атамаларида ҳам бу тотемистик тасаввур излари сақланган. Масалан,

Бани Асад (шер фарзандлари), Бани Кулайб (ит болалари), Бани Ярбуъ (қуён болалари), Бани Фуҳайд (сиртлон фарзандлари), Бани Анмор (қоплон фарзандлари), Бани Қурайш (наҳанг фарзандлари) каби [Hisham ibn Muhammad al-Kalbi, 1984, p. 11]. Бундай тотемистик қараш излари қадимги араб шеъриятида "аниматик лавҳалар ва пейзажни" инсонлаштириб" тасвирлаш анъанасида ўз ифодасини топган.

Тотемизм қадимги мифологик тасаввурлар сирасига мансуб эътиқодий қарашлардан бири бўлгани учун ҳам ёлғиз Аллоҳга сиғинишга даъват этадиган янги дин - ислом таълимотларига мутлақо тўғри келмас эди. Шу боис қадимги арабларнинг тотемистик, анимистик ва магик (сеҳр-жоду кучига ишониш) тасаввурлари асосидаги мифларни ислом инкор этди. Бинобарин, аввалги анъаналарни инкор этиш орқали ривожланиш турли системага доир мифологик тизимлар тадрижий ривожини таъминлайдиган асосий эпик қонуниятлардан бири эканлиги илмий адабиётларда ҳам қайд қилинган."[Klimovich, 1988, p.10]. Бунда "инкор" сўзи анъанавий мифологик архетипларни бутунича йўққа чиқарии эмас, балки ижтимоий фикр тараққиёти тарихининг қуйи босқичларида юзага келган мифологик тафаккур усулининг протообраз, бобосюжет, илк эпик элемент сифатида намоён бўлган семантик ифодалари замирида янги дунёқарашни такомиллаштириш, янги анъанавий мифологиядан инкор этиш орқали озиқланиш, унинг ижобий жиҳатларини сақлаб колиш маъносида тушунилмоғи керак.

Бутпарастлик ақидаларининг инқирозга юз тутиши ва аҳолининг кўпхудоликка сиғинишдан оммавий юз ўгиришида ислом мифологияси талқинлари муҳим эътиқодий асос вазифасини ўтаганлиги VIII асрнинг иккинчи ярми - IX аср бошларида яшаб ўтган араб муаррири Ҳишом ибн Муҳаммад ал-Калбийнинг "Китаб ал-аснам" асарида атрофлича баён этилган. [Freidenberg, 1978, p. 13].

Л.И. Климовичнинг қайд қилишича, қурайш қабиласи аҳли орасида тош культига сиғиниш ва бутпарастлик одати мавжуд бўлган. Кейинчалик мусулмон оламининг табаррук гўшасига айлантирилган Каъбанинг исломдан аввал ҳам муқаддас жой ҳисобланганлиги ана шу тош культига эътиқод қилиш анъанаси билан боғлиқ. Ислом асотирлари муқаддас макон ҳақидаги халқ қарашларини ҳазрати Иброҳим пайғамбар ва унинг ўғли Исмоил алайҳиссалом фаолияти билан алоқадор талқинлар ила мустаҳкамланган.

Қадимги-архаик араб фольклори билан VII асрнинг бошидан эътиборан шаклланган ислом мифологияси ўртасида тарихий-ворисий алоқадорлик ва муайян эпик анъаналар муштараклиги ҳам мавжуд. Бу ворисий алоқадорлик қуйидагиларда кўринади:

1. Дунё халқлари архаик мифологиясида энг қадимги тасаввурлар системаси учун муштарак ҳисобланган умуминсоний мотивлар - архетиплар ижтимоий онг ривожининг

кейинги босқичларида юзага келган янги мифологик қарашлар тизимининг асосини ташкил этади.

2. Мусулмон дини шаклланиши муносабати билан ижтимоий фикр ифодасида ҳам кенг қамровли ўзгаришлар рўй беради. Бир қисм сюжетлар, яъни жоҳилият даврида яшаган мушрикларнинг эътиқодларини ўзида акс эттирган мифлар унутилди, яъни инкор этилди. Умуминсоний аҳамият касб этан, ёки моҳият эътиборига кўра халқчил бўлган архетиплар (мифик сюжет, мотив ёки образ тарзида) қадимги мифологиянинг эпик ўзаги сифатида янги мифик семантик асоси вазифасини бажарди.

3. Архаик миф мотивларининг трансформацияланиши, яъни эпик кўчиш ходисаси асосида қайта бадиий идрок этилиш жараёни рўй берди. Бунда "архаик фольклор мазмуни қайтадан, янгидан идрок этилади" 12

4. Фольклор ходисаларини қайта идрок этишда муайян мотив ёки образнинг анъанавий шаклини сақлаган ҳолда, ички моҳиятини ўзгартириш алоҳида ўрин тутади. Буни одатда архаик мифологияга мансуб образ ёки мотивларга янги диний қарашнинг фалсафий мезонларидан келиб чиққан ҳолда маъно бахш этилган.

5. Айрим мифологик образлар ўзининг кадимги араб фольклоридаги семантик функциялари ва мезоний шаклларини сақлаган ҳолда ислом мифологияси образлар тизимидан ўрин олган.

6. Архаик ва классик (ислом) араб мифологияси тизимлари ўртасидаги ворисий алоқадорлик архетипларнинг эпик кўчими, анъанавий образлар силсиласининг ўзаро алоқадорлиги, сюжет тузилишидаги умуминсоний унсурлар талқинидаги муштаракликда кўринади.

Ислом мифологиясининг такомиллашуви даври. Маълумки, 632 йил июнь ойида Муҳаммад алайхиссалом Мадинада вафот этган пайтларида Ямандан Сино ярим оролигача, Қизил денгиздан Марказий қум сахросигача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олган мусулмон давлати барпо этилган эди. Натижада дастлаб Арабистон ярим оролида юзага келган ислом мифологияси мусулмон динини қабул қилган халқлар орасида оммавийлашиб кетди. Ислом мифологиясининг барқарор сюжет тизими Арабистон ҳудуди билан бир қаторда, ундан ташқарида, бой ва қадимий ёзув маданияти анъаналарига эга бўлган халқларнинг фольклори таъсирида ҳам шаклланган. Мусулмонлар томонидан фатҳ этилган Яқин Шарқ халқлари асотирлар силсиласининг асосий мотивлари, сюжет ва образлар ҳам ислом мифологиясига сингдириб юборилган.13

Хулоса. Назаримизда, мусулмон динининг тарқалиши ва ислом мифологиясининг такомиллашиб бориши хусусида сўз юритганда, П.А. Грязневич масалага бир томонлама ёндашган кўринади. Яъни, у ислом динини қабул қилган халқлар фольклори ислом

мифологиясини бойитуви манбалардан бири бўлганлигини қайд қилади. Ўйлашимизча, ислом мифологиясининг тарихий эволюциясини унинг мусулмон дини кейинчалик ёйилган ўлкаларда яшовчи халқлар фольклор анъаналари билан ўзаро алоқалари ва таъсирисиз текшириб бўлмайди. Марказий Осиёнинг араблар томонидан фатҳ қилиниши натижасида, биринчидан, оташпарастлик, шомонлик ва магик инончларга эътиқод қилувчи маҳаллий ахолининг мифологик қарашлари ислом асотирларининг сюжет тизимини тўлдирган. Иккинчидан, ислом мифологияси талқинларининг кенг оммалашиши натижасида Марказий Осиё халқлари фольклорида ҳам араб асотирлари сюжети асосида янги бир эпик қатлам юзага келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Lundin, A.G. (1992). Ancient Arabian Mythology. - Myths of the Peoples of the World. Drevnearabskaya mifologiya. – *Mifi narodov mira.* - Moskow., - 395 p. (in Russian)

2. Piotrovsky, M. Ghoul (1992). Myths of the Peoples of the World. – *Mifi narodov mira*, Moscow, - 340 p. (in Russian)

3. Gryaznevich, P.A. (1988). Muslim Mythology. *Musulmanskaya mifologiya.* - Moscow., – 183 p. (in Russian)

4. Shidfar, B.Ya. (2011). The System of Images in Classical Arabic Literature of the VI–XII Centuries. *Obraznaya sistema arabskoy klassicheskoy literatury (VI-XII vv.)*. – Moscow: Mardjani Publishing House. – 319 p. (in Russian)

6. Baller, E.A. (1969). Continuity in the Development of Culture. *Preyemstvennost v razvitii kulturi.* - Moscow, 294 p. (in Russian)

7. Hisham ibn Muhammad al-Kalbi. The Book of Idols (Kitab al-Asnam) (1984). *Kniga ob idolah.* - Moscow, 62 p. (in Russian)

9. Klimovich, L.I. (1988). The Book of the Quran, its Origin and Mythology. *Kniga o Korane, ego proishojdenii i mifologii.* - Moscow, 550 p. (in Russian)

10. Freidenberg, O.M. Myth and Literature of Antiquity (1978). *Mif I literature drevnosti.* – Moscow: Nauka, 800 p. (in Russian)